



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 30 май, сешанба №77 (909)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Юксак самимият, оталарча меҳр ифодаси бўлган табрик сўзларингиз биз - талаба ёшлар - универсиада иштирокчиларини беҳад тўлқинлантириб юборди. Шундай азиз Ватанда, шундай мусаффо осмон остида яшаётганимиздан, шундай буюк халққа фарзанд эканимиздан кўксимиз гурур-ифтихорга тўлди.

Бугун озод ва обод Ватанимизда баркамол авлод тарбиясига улкан эътибор билан қаралмоқда. Гўзал Наманган шаҳрида ўтган универсиада бунинг яққол далилидир.

Сизни ишонтириб айтмакчи, биз муқаддас Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ҳамиша тайёرمىз. Юртимиз, халқимиз ва Йўлбошимиз билдирган юксак ишончга муносиб бўлмоқ бизнинг фарзандлик бурчимиз эканини бир умр ёдда сақлаймиз.

Юртимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!

Эҳтиром билан миннатдор фарзандларингиз - универсиада иштирокчилари

2000 йил 29 май, Наманган шаҳри

ХАЙР, НАМАНГАН! ОЛДИНДА - «УНИВЕРСИАДА - 2002»!

Наманганда улкан спорт байрами - биринчи талабалар ўйинлари «Универсиада - 2000» бир ҳафта давом этди. Президент Ислам Каримов ташаббусига кўра ўтказилган ёшлар спорт анжумани мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабаларининг юксак спорт маҳорати ва яхши жисмоний тайёргарлигини намоён этди. Мазкур Универсиада республикада баркамол авлод тарбиясига, ёшларни ҳар жиҳатдан етук инсон қилиб етиштиришга нечоғлиқ катта эътибор қаратилаётганидан далolat беради. Бу мусобақаларнинг Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилинган пайтда ўтайётганлиги эътиборга молик.

Наманган ва унинг атрофидаги туманларда ҳафта давомида Универсиаданинг 1500 иштирокчиси иштирокчи топшириб қўйилган энг яхши спорт заллари, майдон, стадион, теннис кортиларида спортнинг тўққиз тури бўйича беллашувлар ўтказилди. Иштирокчилар шахсий ва умум-жамоа ҳисобида ўнлаб олтин, кумуш ва бронза медаллари учун кураш олиб боришди.

Энг кўп совринлар ва юқори оқоларни Универсиада медаллари - Наманган вилояти жамоаси кўлга киритди. Кейинги ўринлар «Тошкент-1» ва Самарқанд вилояти жамоаларига насиб этди.

Универсиадада кўлга киритилган совринлар қанчалик қадрили бўлмасин, иштирок этишининг ўзи галабандан кам аҳамиятга эга эмаслиги тўғрисидаги Олимпиада ширини Намангандаги талабалар ўйинларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Дарҳақиқат, анжуманда байрамона кайфият, унинг барча иштирокчилари ўртасида эса дўстлик ва ўзаро меҳр-оқибат руҳи ҳукмрон бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Универсиададан олдингиз энг катта таассуротлар тўғрисидаги саволга ёшлар бу ерда кўплаб янги дўстлар орттирганини айтётгани беҳиз эмас.

29 май куни бундан бир ҳафта илгари биринчи талабалар ўйинларининг рамиий оловы ёқилган марказий «Навбахор» стадионида тантанали ёпилиш маросими бўлди. Марказий трибунада - Универсиаданинг барча вилоятларидан келган фахрий меҳмонлари, олий ўқув юртлири ректорлари, машҳур ёзувчилар, шоирлар, жамоат арбоблари.

Карнай садолари янгради. Стадион узра улкан ҳаво шари осмонга кўтарилди. Универсиада иштирокчиларининг Президент Ислам Каримовга мурожаатини Наманган Давлат университети талабаси Гулбахор Муҳидинова ўқиб эшиттирди. Унда давлатимиз раҳбарига нафақат талабалар анжумани иштирокчиларига, балки бутун Ўзбекистон ёшларига тақдим этилган унутилмас спорт, ёшлик ва дўстлик байрами учун миннатдорлик изхор этилган.

Президент Ислам Каримов томонидан Универсиада галибларига энг ёрқин ва қизилқорғиний ўйини, юксак спорт маҳорати, шунингдек, галабага бўлган интилиши учун махсус мукофотлар жорий этилди. 15 та «Тико» автомобили Президент совғаси бўлди.

Галибларни мукофотлаш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлағанов ва Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Б.Махситов Президент мукофотига сазовор бўлган 15 иштирокчига машиналар қалитини топширди.

Шундан сўнг, стадионда пойтахт ва Наманган вилоятининг танкили артистлари, мусиқа ва рақс жамоалари иштирокида катта концерт бошланди.

Сўнгра майдонга Универсиадада иштирок этган 16 жамоа вакиллари чиқди. Универсиадани ўтказиш бўйича ташкилий кўмита раиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ғуломов ёшларнинг спорт анжумани ёпилигини эълон қилди. Универсиада байроғи туширилди. Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов биринчи талабалар ўйинлари эстафетаси - Универсиада байроғини Бухоро вилояти ҳокими С.Хусейновга топширди. Чунки навбатдаги Универсиада маънавияти 2 йилдан сўнг Бухорода ёқилди.

Республиканинг давлат мадҳияси садолари остида Ўзбекистон Давлат байроғи туширилди. Жамоалар вакиллари стадионни тарқ эта бошладилар. Томошалар Универсиадада иштирокчиларини тик туриб олқишладилар.

Талабалар анжумани иштирокчилари кўзларида энг қалқан ҳолда Наманган билан хайрлашди. Айни пайтда бу улкан байрамга айланган биринчи талабалар ўйинларида иштирок этишдан мамнулик кўз ёшлари ҳамдир. Айрилик қанчалик аччиқ бўлмасин, «Универсиада, қадимий ва ҳаммиза навқирон Бухорода учрашунча, хайр» деган сўзлар кўнгиллارга таскин берди.

Назира ХУЖАЕВА, УЗА мухбири.

1 июль - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

МЎЙҚАЛАМ СОҲИБЛАРИГА ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИ

«Камолот» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари Самарқанд вилоят бўлими меҳрибонлик бўлими тарбияланувчилари ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш мавзусида расмлар кўриқ-танловини ўтказди. Унинг якуний баҳсида Самарқанд шаҳридаги 10- ва 11-Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчилари иштирок этди. Мусавирликка ҳавас қўйган болалар чизган расмларда гиёҳвандликнинг зарари оқибатлари, ҳаётга меҳр, инсонга садоқат гоёлари моҳирона акс эттирилгани танлов иштирокчиларини хайратга солди.

Энг яхши мўйқалам соҳибларига «Камолот» ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг эсдалик совгалари топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ҚЎЙМАТИ 500 СЎМ БЎЛГАН ПУЛ БИЛЕТНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қўймати 500 сўм бўлган пул билети муомалага чиқарилади.

Пул билети 144x78 мм. ўлчамда босилган. Билетнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд. Билетнинг ўнг тарафида ҳимоя ипи ўтади.

Билетнинг олд тарафи асосан оч яшил, олчаранг, тўқ қизил ва бинафша, орқа томони тўқ қизил, яшил ва ҳаво ранглардан иборат.

Билет олд тарафининг юқори қисмида «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ» ёзуви бор.

Билетнинг чап қисмида турли рангдаги безаклар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида етти та рақамли номер билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси бор. Билетнинг чап ва ўнгдаги бурчакларининг қуйи қисмида нақшинкор рақма ичида «500» рақами тасвирланган бўлиб, банкнинг қўйиматини билдиради. Ундаги 500 рақами устига йирик ҳарфлар билан «СЎМ» деб ёзилган.

Пастки қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИ РЕСПУБЛИКА ХУДУДИДА ҲАММА ТЎЛОВЛАР УЧУН ЎЗ ҚЎЙМАТИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ШАРТ» деган ёзуви бор.

Билет оқ сатҳининг қуйи қисмида билет серияси ва номери тагида «500» рақами тасвирланган, юқори қисмида «1999» ёзуви бор.

Билет орқа томонининг чап қисмидаги оқ сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд. Оқ сатҳнинг юқори ва пастки қисмида турли кўриниш ва ранглардаги нақшинкор безаклар мавжуд. Пастки безак устида «500» рақами акс эттирилган.

Билетнинг марказида от миниб турган Амир Темура ҳайкали тасвирланган.

Хайқалининг ўнг тарафида миллий услубда турли ранглардаги нақшли безак тасвирланган.

Билетнинг марказий қисми юқори чап ва пастки ўнг томонларида бир-бирини кесиб ўтувчи «500» ва «СЎМ» ёзувлари мавжуд.

Билетнинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ КОНУНГА МУВОФИҚ ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ» ёзуви мавжуд.

Мазкур пул билети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамма тўловлар учун мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, шунингдек, банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб рақамларга қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Универсиаданинг ҳар бир куни янги-янги номларни кашф этмоқда. Қизгин ва мурасасиз кечадан бахслар барчада — иштирокчи-ю, томошалар билан катта қизиқчи бўлиб ўтмоқда. Жумладан, муҳташам «Дўстлик» теннис кортида ўтган кескин курашлар «олтин коп-коп» илхосмандларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини талабалари Луиза Битякова ҳамда Александр Мальцевлар иштирокидаги беллашувлар гоё қизиқарли ўтди. Барча бахсларни кўтаринчилик билан ўтказган Луиза ва Александр гоғлиблик шохсупасига кўтарилдилар. Бу эса тошкентликларнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашларига сабаб бўлди. Кей-

инги ўринлар эса андижонлик ва наманганлик талабаларга насиб этди. Шунингдек, Универсиада мусобақалари дастуридан ўрин олган стол теннис бахслари ҳам ўз гоғлибларини аниқлади. Ҳал қилувчи бахс икки машҳур теннисчи, жаҳон чемпиони — наманганлик Севара Қодирова ва андижонлик Нилуфар Сотибодиёвалар ўртасида ўтди. Севара мурасасиз жангда 2:0 ҳисобида гоғлиб келди. Волейбол бўйича беллашувларда Наманган Давлат университети ва муҳандислик-иқтисодиёт институтини жамоалари барча учрашувларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Айниқса, университет баскетбол жамоаси маҳорат бобида барчадан устунлик қилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

СУРХОНДАРЁ МАРРАГА ЕТДИ

Сурхондарё вилояти пиллакорлари қабул пунктига 930 тонна пилла топшириб, бу борадаги шартнома режасини ошириб бажарди. Хар кути курт уруғидан ўртача 43,5

килограммдан сифатли саноат хомашёси етиштирилди. Бу муваффақиятга Шеробод, Термиз, Қумқўрғон туманлари пиллакорлари салмоқли ҳисса қўшди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Японияда дзюдо бўйича Осиё чемпионати ўз ниҳонига етди. Унда қитъанинг энг кучли спортчилари нафақат чемпионатнинг беш мукофотлари, балки Сиднейда бўладиган Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлнамалар учун ҳам кураш олиб боришди. Ўзбекистон Миллий жамоаси бу мусобақаларда олтинта йўлнамани кўлга киритди.

Ўз вази тоифаларида Камол Муродов, Армен Богдасаров, Андрей Штурбанин, Абдулла Тангриев, Мансур Жумаев ва Алишер Мухторов Осиё чемпиони бўлди.

ҲАМЖИХАТЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ


Жиззахдаги «Манаиёт» ва маърифат марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича кўмита билан республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Ҳамжиҳатлик ва баргиреклик» тараққиёт омили мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича кўмита раиси Фозил қори Собирқоннинг маърузаси тингланди.

ШОҲСУПАГА ЙЎЛ




Ёшлик, шижоат, тантаник, мардлик. Гўзал Наманганда мамлакатимиз талабаларининг «Универсиада-2000» мусобақалари худди ана шундай хислатлар уйғунлигининг ажиб намоиши бўлди. Зотан, юртимизнинг турли олий ўқув юртлирида таълим олаётган, ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони бўлишга интилиб яшаётган талаба ёшларимиз ўзларининг жисмоний салоҳиятларини ҳам кўрсатдилар.



Суратларда: Эркалар ўртасида стол теннис мусобақалари гоғлиб, СамДУ талабаси Руслан Шушеров, кумуш медал соҳиб Маҳмуд Охунжонов, 1500 метр масофага югуриш бўйича беллашув гоғлиблари тошкентлик Александра Родигина ва фарғоналик Ҳасанбой Раҳимов ҳамда найза улоқтириш бахслари гоғлиб, Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини талабаси Андрей Коржаков.



Кизгин ва мурасасиз курашларга бой ҳар бир мусобақа томошаларнинг мутахассисларининг катта қизиқиши, эътироби сабаб бўлди. Бир сўз билан айтганда эса, «Универсиада-2000» гуллар шаҳрида ёш, соғлом авлодни — янги талантиларни, янги номларни кашф этди, озод ва обод Ватанимиз келажиги ҳар жиҳатдан баркамол авлод қўлида эканлигидан дарак берди.



Олмалик тоғ-металлургия комбинати маъмурияти билан касабга уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 5-бандидаги учта бўлим меҳнатқашларининг болаларини соғломлаштириш тадбирларига бағишланган. Шунга асосан белгиланган муддат — май ойининг охиригача комбинат томонидан Бўстонликдаги «Кўк тоғлар», Пскентдаги «Тон» болалар оромгоҳлари тўлиқ таъмирланиб мавсумга тахт қилиб қўйилди. Болаларни оромгоҳга ва қайта уйларига ташвиш учун автобуслар, кундалик йомушларни бажариш учун иккита юк машинаси ажратилди. Сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳўжалик ишлари — буларнинг ҳаммаси ҳам комбинат маблағи



ҳисобидан амалга оширилиши шартнома бандларида белгиланган эди. Яқинда ўтган кўшма йиғилишда ана шу ишларнинг бажарилиши ва навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Шундай қилиб, ишчиларнинг 1500 нафардан ортиқ фарзандлари ёзда кўнгилдагидек ҳордиқ чиқарадилар. Бунинг учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Оромгоҳлар мавсумга шайми? ЯНА ЧОРЛАМОҚДА БАҒРИГА ТОҒЛАР

минлашни шаҳар савдо тармоғи ўз зиммасига олди. Тарбиячилар, тиббиёт ва ҳўжалик ходимлари ишга шай ҳолда турибдилар. Аммо, шуниси ажабланишлики, кўча кутубхоналар учун ажратилган 1500 нафардан китобларнинг жуда оз қисми ўзбек тилидаги адабиётлардир. Болалар учун зарур бадиий асарларни топши шўнчалик мушкулми? Китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар бу масалага алоҳида аҳамият берадилар, деган умиддамиз.

Оромгоҳларда меҳнат қиладиган тарбиячилар ва хизмат соҳаси ходимлари албатта тиббиёт кўригидан ўтишлари шарт. Бу ўринда айрим мулоҳазали фикрлар ҳам йўқ эмас. Яъни, Олмалик шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мавсумий ишларга жалб этилганларнинг тиббий кўриқдан ўтишларини пуллиқ қилиб қўйганларни тўғримиқан? Ана шунда ушбу мақсад учун ажратилган 50-60 миң сўм маблағ болалар учун хайрли бир мақсадга хизмат қилган бўларди.

«Ишонч»га жавоб берадилар «ШИФОБАХШ ҚИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НЕГА ТЎХТАДИ?»

Шу йилнинг 23 февралда юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги таркибидagi ҳўжаликларда қимиз ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани, оқибатда шифобахш ичимлик билан даволанишга эҳтиёжманд кишилар сарсон-саргардон бўлаётгани, ваҳоланки, республикада йилқичликни ривожлантириш учун шароит етарли эканлиги ва бошқа муҳим масалалар кўтарилган эди.

Газетанинг ушбу танқидий чиқиси бўйича таҳририятимизга жавоб йўллаган Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирини ўринбосари Ж.Турсиновнинг маълум қилишича, мақолада билдирилган эътиросли фикр-мулоҳазалар «Оқдарё» иختисослаштирилган йилқиччилик ҳўжалиги кенгайтирилган йилқиччида муҳокама қилинган. Йилқиччида иштирок этган Мўйноқ тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси маъсул ҳодимлари ҳамда бошқа мутасаддилар гавзетада кўтарилган масалалар ўз вақтида қўндадан қўйилиши билан аҳамиятли эканлигини таъкидладилар.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йили «Оқдарё» ҳўжалигида етиштирилган 2 тонна қимиз савдо дўкўнларига чиқарилмай, туман ҳокимининг фармоишига биноан туман сил касалликлари шифохонасига бепул берилган.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Қишлоқ хўжалигида ислохотлар қандай бораёпти?

Аграр тармоқ мамлакат валюта тушумини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу боис мустақиллигимизнинг биринчи қўла-ридан ҳукуматимиз соҳани ислоҳ қилиш-га қаришган эди.

Ер. Ижара. Деҳқон ва Фермер хўжалик-лари тўғрисидаги ҳамда бошқа қатор қонун ҳужжатлари тadbиркорликни, шахсий томо-рка хўжалиklarини ривожлантириш имко-нини берди.

уруғ етказиб беришга эришти.

Чорвачиликка ихтисос-лашган фермер хўжалик-лари ихтиёридаги мол-лар зотини яхшилаш бо-расида ҳам анчагина иш-лар қилинди. Қўрғонте-па туманидаги «Аваз» на-сличили фермер хўжали-ги вилоят фермерлари-

ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Хурматли тахририят! Хозирги бозор шароитида иш берувчига ет-казилган зарар учун ходимнинг моддий жавоб-гарлиги хусусидаги муаммоларга ҳам кўпроқ дуч-келяпмиз. Илтимос, шу ҳақда аниқ тушунча бер-сангиз.

М. Комилова, Н. Нодирматова, Г. Боирова, 201-модда. Ходимнинг моддий жавобгарлиги чегараси

Бу масала чиндан ҳам кенг қамровли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексидида батаф-сил тўхталинган. Хусусан, 198-моддада иш берувчи-га тўлашиши лозим бўлган зарар хусусида гап бора-ди. Таъкидланишича, хо-дим иш берувчига бево-сита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслар-дан ижарага олган мол-мулк) амалда қамалганли-ги ёки ёмон ҳолатга кел-ганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи шахсларга ет-казилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жа-вобгар бўлади.

199-модда. Ходимнинг моддий жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар Агар зарар, уни барта-раф этиш мумкин бўлма-ган ҳолатда, нормал хўжалик та-ваккалчилиги оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

200-модда. Иш берув-чининг ходимдан зарар-ни ундиришдан воз ке-чиш ҳуқуқи

Иш берувчи зарар ет-казилган ҳолатда ходим-ларни ҳисобга олиб, айб-дор ходимдан зарарни ун-диришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Давлат

мулки шаклидаги корхона-ларда ана шундай қарор, агар у жамоа шартномаси-да назарда тутилган бўлса, қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

201-модда. Ходимнинг моддий жавобгарлиги чегараси Агар ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда ту-тилмаган бўлса, ходим ет-казилган зарар учун ўзи-нинг ўртча ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда бе-кор қилиш ёки ходимни гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг 274-моддасида белгилан-ган миқдорда моддий жа-вобгар бўлади.

202-модда. Ходимнинг тўлиқ моддий жавобгар-лиги ҳоллари

Етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходим-га моддий жавобгарлик юклатилади:

1) махсус ёзма шартно-ма асосида унга ишониб топширилган қимматлик-ларнинг сақланишини таъминламаганлик учун (203-модда);

2) бир галлик ҳужжат асосида олинган қиммат-ликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар ет-казилганда;

4) алкоғолли ичимлик-дан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари на-тижасида зарар етказил-ганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шу-нингдек Ўзбекистон Рес-публикаси Хукуматининг қарорларида назарда ту-тилган ҳолларда.

Ун саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, ал-коғолли ичимликдан, гиёҳ-вандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳо-латида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган за-рар учун тўлиқ моддий жа-вобгар бўлади.

ШАХСИЙ ИБРАТ КУЧИ

Маълумки, мамлака-тимиз аҳолисининг ол-тмиш фозида кўпроги қишлоқларда яшайди. Бу жойларда ўтган йили 898 та қишлоқ хўжалик корхона-лари ширкатларга айлан-тирилди. Хозирги кунга келиб уларнинг сони 963 тага етган бўлса-да, афсуски ширкатларнинг 119 таси йилни зарар билан якунлади. Жойлар-да бозор иқтисодиёти тамойилларини яхши тушуниб етмаслик ва мутахассислар тўла ма-лакага эга эмасликлари оқибатида тизим тармоқларида ишлаб-чиқариш, маҳсулот эк-спорт қилиш ишлари ҳамон кўнгилдагидек бормаяпти, хўжалик-ларнинг номи ўзгар-гани билан иш юритиш усуллари эскилигича қолмоқда.

Оила пудрати одам-ларимизнинг ерга, мулкка ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга муносабатини, энг асосийси, меҳнатга бўлган рағбатини туб-дан ўзгартирапти. Эндиликда сифатли озиқ-овқат маҳсулот-лари етиштиришда де-ҳқон ва фермер хўжа-ликларининг алоҳида ўрни бор. Шу кунга ке-либ республикада 29 мингдан ортиқ де-ҳқон ва фермер хўжа-ликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга ерларни муддатсиз мерос қилиб қолдир-ган ҳолда эгалик қилиш ҳуқуқини бе-ришда, фаолиятини

ривожлантиришда жа-моа шартномалари янги истиқболлар очади. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқур-лаштиришнинг асосий мақсади — аҳоли тур-муш шароитини янада яхшилаш ва иқтисоди-ётни мустаҳкамлашдан иборат. Бир мисол. Бухоро вилоятида икки йил аввал иқтисоди та-момила издан чиққан 8 та жамоа хўжалигини молиявий соғломлаш-тириш мақсадида улар санацияга туширилган-ди. Айни пайтда тад-биркорлик қарор то-пгани боис, бу хўжалик-ларнинг иқтисодий ша-роитлари яхшиланиб санациядан чиқарилди. Хозирги вақтда ҳам 24 та жамоа хўжаликлари санацияга туширилиб, уларни оёққа тургазиш юзасидан энг зарур иш олиб борилмоқда. Ви-лоят бўйича 91 та жа-моа хўжаликлари мулк-чилик шаклини ўзгар-тириб ширкат хўжалик-ларига айлан-тирилди. 18615 иш ўрни қисқар-ди. Ана шу муаммони ҳал қилиш йўллари ас-тойдил излангани са-мараси ўлароқ 18500 иш ўринлари барпо қилиниб, аҳолининг 99,4 фоизи иш билан таъминланди.

Мамлакатимиз галла му-стақиллигини мустаҳкам-лашга Андижон вилояти галлакорлари кўп йиллар-дан бери ўзларининг муно-сиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Вилоят ҳосил-дорлиқни 70 центнердан оширишга ҳамда мамлака-тимиз вилоятларига сара

га зотли моллар етказиб беришда асосий база бўлиб хизмат қилмоқда. Шу фермер хўжалигида 1 бош сигирдан сўт соғиб олиш аввалги йиллардан бирмунча ўзгарди. Чунончи, 1999 йилда 4533 кг.ни ташкил этди. Улар шартнома асосида фермерларга ҳар йили 10-12 бошдан зотли мол етказиб бермоқда. Фер-мерлик фаолиятида юқори иқтисодий кўрсат-кичларга эришиб, исло-ҳотларни амалга оши-ришда жонбозлик кўрсат-ган қатор фермер хўжа-лиги бошлиқлари ҳукума-тимиз томонидан муно-слиқ тақдирландилар. Ма-салан, Қўрғонтепа туманидаги «Аваз» фермер хўжалиги бошлиғи Қ.Со-диқов, Балиқчи туманидаги «Голландия» фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Сайдазимов — «Меҳнат Шўхрати» ордени билан, Бўз туманидаги «Ойбек» фермер хўжалиги раҳба-ри О.Расулов, Жалолқу-дук туманидаги «Бешка-рам» фермер хўжалиги етакчиси А.Абдуллаев «Шўхрат» медаллари билан мукофотландилар.

Қишлоқ хўжалигида эриштилаётган ютуқларда ҳамда қабул қилинган тадбирларнинг бажарили-шида бошланғич касоба уюшма кўмиталари хо-димларининг ҳам қўшган ҳиссалари салмоқли бўла-япти.

А.АБДУРАХМОНОВ, Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Марказий кўмитаси бош мутахассиси.



Халқимизнинг истеъмол молларига бўлган талаби кун-сайин ортиб бормоқда. Шу мақсад йўлида пойтахт-имиздаги «Авиасозлар бозори» очик турдаги ҳисса-дорлик жамияти раҳбарияти сайё-ҳаракати билан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кийим-кечак савдоси учун 1938 тадбиркорга мўлжалланган савдо мажмуи ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Эътиборли томони шундаки, бозор худудидида фаоли-ят кўрсатувчи барча тадбиркорлар учун шу ернинг ўзи-да хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, озиқ-овқат ва тез бузилувчи маҳсулотлар учун алоҳида музлатгичли жойлар ажратилмоқда. Бозор ёпиқ ва ярим ёпиқ ҳол-даги бинолардан иборат бўлади. Йўл ҳаракатида хала-қит бермаслиги учун бозор худудидан автомашиналар-га махсус турар жой ҳам ажратилмоқда. Мажмуа мус-тақиллигининг 9 йиллиги арафасида ишга тушири-лади.

Суратларда: Бозор қурилишдан лавҳалар. И.ХАСАНОВ олган суратлар.

«ТЎҚИМАЧИЛИК - 2000» илмий-амалий конференцияси

Маълумки, 4 йилдан буён ТЕМПУС-ТАСИС Европа Иттифоқи Комиссиясининг 1997 йил-даги «Бозор иқтисодиёти шароитида тўқи-мачилик бўйича таълимни такомиллашти-риш» лойиҳасининг қолиби сифатида Тош-кент тўқимачилик ва энгил саноати инсти-туту жамоаси Белгиянинг Гент университе-ти, Юнонистоннинг Пирей технология инсти-туту олимлари билан ҳамкорлик алоқалари-ни олиб бормоқда. Лойиҳа доирасида ин-ститут моддий техника базаси янги замо-навий техникалар билан жиҳозланапти. Жум-ладан, 52 минг АҚШ доллари миқдоридида компьютер ва ўқув жараёнини такомилла-штиришдаги техник жиҳозлар ўрнатилди. Бир неча йилдирки Белгия, Юнонистон олим-лари талаба ва аспирантларга тўқимачилик соҳасидаги замонавий технологиялар юза-сидан назарий билим бериб келмоқдалар.

Навбатдаги ТЕМПУС-ТАСИС дастури асо-сида мазкур институтда бўлиб ўтган «Тўқи-мачилик - 2000» халқаро илмий-амалий кон-ференцияси яна бир самарали ҳамкорлик-дан далоят беради. Мазкур анжуманда Гре-ция, Белгия ва бошқа бир қанча мамлакат-лар етуқ мутахассислари ўз маърузалари билан қатнашдилар. Гент университети тўқимачилик департаменти бошлиғи, про-фессор П.Киеккенс бундай ҳамкорлик ҳар-икки мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкид-лаб ўтди.

Х.ТЕМИРОВ.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир ОДАМЛАР ОРАСИДА

— Ҳа, оқсоқол, ўйла-ниб турибсиз? — Кичкина йиғинимиз бор эди, маблаг маса-ласида раисга келган эдим.

— Қасба уюшма кўми-таси раиси. Файратли йи-ғинилардан. Оққўрғон туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасига қарашли 6 та қишлоқда 5100 нафар аҳоли бўлиб, улардан 600 нафари хўжалиқда меҳнат қилади. Хар бир хонадон-дан далада, фермада ёки трактор паркида ишлайди-ганлар бор. 1500 гектар экин майдонининг 942 гектарида чигит, 470 гек-тарида галла экилган. Ўтган йили ҳамма кўрсат-кичлар бўйича белгилан-ган марралар эгалланди. Меҳнаткашларга бугдой,

ўсимлик ёғи каби маҳсу-лотлар бир неча марта та-рқатилди. Қасба уюшма кўмитаси ташаббуси билан кам таъминланган 7 та оилага моддий ёрдам бе-рилди. Мавсумий ишлар-дан бўшаган меҳнаткаш-ларни концертларга, саё-ҳатларга олиб бориш уюштирилди.

— Қишлоқ одами хона-донидан кўнгил узиб, са-наторийларга боришга ҳаммиша ҳам хоҳиш билди-равермайди. Лекин сама-ранд меҳнат қилиш учун яхши дам ҳам керак бўла-ди. Шу боис ўтган йили икки нафар кишини сана-

торийда даволаниб кели-шига имкон яратиб бер-дик. Бу йил учта ариза қаноатлантирилди, - дей-ди қасба уюшма кўми-таси раиси. Хўжалик қишлоқлари тарқоқ жойлашганлиги боис ичимлик сув, газ таъ-минотида бироз қийинчи-ликлар мавжуд эди. Энди-ликда бу муаммо ҳал этил-ди. Хозир қишлоқларга сув тортиш ускуналари ўрнати-либ, аҳоли ундан бахра-манд бўлаёпти. Газлашти-риш масаласида ҳам қас-бақўм сайё-ҳаракати билан лойиҳа-сметалар тузи-либ, йил охиригача бу иш-

ларни нийонисига етказиш режалаштирилган.

— Жамоа шартномаси-нинг асосий бандлари-дан бири сифатида дала меҳнаткашларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш масалалари кири-тилган. Бу ишларнинг қандай бажарилаётган-лиги ҳақида қасбақўм вақти-вақти билан ҳам-ишлоқлари олдида ҳисоб бериб туради. Булардан ташқари тўй ва маъра-каларда бош-қош бўлиш, моддий ёрдамни ўзи вақ-тида хонадон соҳибига етказиш каби вазифа-ларни сидқидилдан ба-жариш қасбақўм раиси-нинг оддий юмушига айлиниб қолган.

торийда даволаниб кели-шига имкон яратиб бер-дик. Бу йил учта ариза қаноатлантирилди, - дей-ди қасба уюшма кўми-таси раиси.

Хўжалик қишлоқлари тарқоқ жойлашганлиги боис ичимлик сув, газ таъ-минотида бироз қийинчи-ликлар мавжуд эди. Энди-ликда бу муаммо ҳал этил-ди. Хозир қишлоқларга сув тортиш ускуналари ўрнати-либ, аҳоли ундан бахра-манд бўлаёпти. Газлашти-риш масаласида ҳам қас-бақўм сайё-ҳаракати билан лойиҳа-сметалар тузи-либ, йил охиригача бу иш-

ларни нийонисига етказиш режалаштирилган.

ат маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Яқин-да эса тумандаги туғуқ-хона жамоанинг сайё-ҳаракати билан тўлиқ таъ-мирланиб, замон талаби-га мослаштирилди. Шун-нингдек, ёшлар таълим-тарбияси масаласи ҳам доимий эътиборда. Шу билан бирга туманда таш-кил этилган бокс федера-циясининг моддий таъми-нотчиси ҳам ана шу кор-хона ҳисобланади.

ИТАЛИЯЛИКЛАР БИЛИШАДИ

раяптими? Ёхуд бу ер-даги меҳнат аҳли, за-вод билан шартнома тузган чорвадорлар бозор муносабати шаро-итида қандай манфаат қўраётдилар, деган савол ҳам кўндаланг ту-рибди.

сўмга етди. Бу — меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя-лашдан ташқари, завод фаолиятини кенгайтириш-га, қўшимча ишчи ўринла-рини барпо этишга, қаров-чиси бўлмаган ногиронлар-ни моддий қўллаб-қувват-лашга шароит яратди.

ракли хомашёни шу ернинг ўзида етиштиришдан иборат.

кам бўлмаган миқдорда мукофот пуллари ҳам бе-риб борилади. Энг муҳи-ми, ишчилар ҳар жиҳатдан муҳофиза қилинган.

Иқтисод мустаҳкамлан-ган сари саховатли иш-ларга бош-қош бўлиш та-шаббусини даврнинг ўзи одамлар шувирида мужа-самлаштираркан. Қўшма корхонада ҳам бу борада-ги сайё-ҳаракатлар бир талай. Айни пайтда туман касалхонасида шифо то-паётганлар завод жамоа-сидан миннатдорлар. Са-баби, корхона шифохона-ни оталиқча олган. Янги асбоб-ускуна, етарли-ча дори-дармон ва озик-овқ-

ат маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Яқин-да эса тумандаги туғуқ-хона жамоанинг сайё-ҳаракати билан тўлиқ таъ-мирланиб, замон талаби-га мослаштирилди. Шун-нингдек, ёшлар таълим-тарбияси масаласи ҳам доимий эътиборда. Шу билан бирга туманда таш-кил этилган бокс федера-циясининг моддий таъми-нотчиси ҳам ана шу кор-хона ҳисобланади.

OLAMDA NIMA GAP

Л И М А. Перуда президент сайлови-нинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Да-стлабки натижалар-га қараганда, ягона номзод - амалдаги президент Алберто Фухимори сайловда қатнашганлардан 75 фоизининг овози-ни олишга му-ваффақ бўлган.

Н Ъ Ю - Й О Р К. Россия ва АҚШ пре-зидентлари Влади-мир Путин билан Билл Клинтон ўртаси-да Москвада бўлади-ган учрашув кун тар-тибига кўплаб маса-лалар киритилган. Оқ уй раҳбари ёрдамчи-си Сэмюел Бергер журналистларга шун-и маълум қилди. Унинг айтишича, бўла-ж учрашувда Россияда-ги иқтисодий исло-ҳотлар, қуроолари назорат қилиш, мин-тақавий муаммолар, жумладан, Корея яриморли, Чечени-стондаги вазият ва бошқа масалалар му-ҳокама қилинади.

П Е К И Н. Хин-дистон президенти Кочерил Раман На-раянан Хитойга ташриф буюрди. У бу ерда Хитой раҳ-бари Цзян Цзэмин билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқа-ларни ривожланти-риш ва минтақавий хавфсизлик маса-лалари юзасидан музокара ўтказди. Маҳаллий куза-тувчиларнинг фик-рича, мазкур таш-риф Хиндистон билан Хитой ўртаси-даги алоқалар бар-қарорлашаётганидан дарак берди. 1998 йилда Хиндистонда ядро қуроли сино-вининг ўтказишга ўзаро муносабат-ларга бироз совуқ-лик тушишига са-баб бўлган эди.

И С Л О М О Б О Д. Покистон ҳукумати Хиндистон томони-нинг тинчлик музока-раларини давом этти-ришга чакирди. Биз яна бир бор расмий Деҳли маъмуриятини минтақада ядро қуролини чеклаш масаласида музока-раларини давом эттиришга даъват қиламиз, деди По-кистон ҳарбий ҳуку-мати раҳбари Пар-вез Мушарраф. Икки давлат ўрта-сида алоқаларни барқарорлаштириш мақсадида бошлан-ган музокаралар ўтган йили Қашмир мижозароси сабаб тўхтаб қолган эди.

А Б У Ж А. Ни-герия шимолида мусулмонлар билан насронийлар ўртасида яна тўқнашув юз бер-ди. Бу икки юз ки-шининг ўлимига сабаб бўлди. Юзга яқин уйга ўт қўйилди. Полиция тезда ушбу но-тинчликни бостир-ди. Воқеа содир бўлган худудлар-да комендантлик соати эълон қилинди. Мазкур мамла-катда жорий йил бошида ҳам диний асосдаги низолар авжага чиққан эди. Ушундан мингдан ортиқ одам қурбон бўлганди. (ЎЗА)

Мозийдан садо

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти ходимлари Челақ туманидаги Охунбобоев номи жамоа ҳўжалигида жойлашган қадимий Кўктепа тепалигида олиб борилган қазилма ишлари чоғида нобб топилма Сак маликаси қабрига дуч келишди. Кўктепадаги бу топилма халқимиз тарихини ўрганишда қимматли ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

шоҳона либосларда дафн этилган. Унинг тожи олтиндан ясалиб безатилган. Устидаги кийимига эса 332 дона, ҳар бирининг диаметри бир сантиметрга яқин олтин тугмачалар қадалган. Шундай тугмалардан бирини марҳуманинг оғзига ҳам солиб қўйилган. Аёлнинг бошида қора рўмоли ҳам

ҳам қўлай. Бўйи 165-170 сантиметр булган сак маликаси жасадининг қўл ва оёғидаги тақинчоқлар ҳам металлдан ясалган. Давр ўтиши билан малика устидаги мато парчалари металл тақинчоқларга ёпишиб қолган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қабрдан топилган буюмларнинг барчаси (кўзгу ва косадан ташқари) маҳаллий сўғдий усталар томонидан ясалган. Чунки бундан олдин ҳам Афросиёб тепаликларини қазилма даврида худди Кўктепадан топилган бронза қозонига айнан ўхшаш қозон, қайчи, тўрт оёқли, металлдан ясалган аёллар пардоз қутиси, олтин ип, зар мато парчалари (нимадан тўқилган) ҳозирча аниқ эмас ва кўпала турли уй-рўзгор буюмлари ҳам топилган. Тошдан ясалган урчқуқбош ўша давр аёлларининг қандайдир хомашёдан ип йиғиришидан далolat беради.

НОЁБ ТОПИЛМА

— Кейинги юз йил ичида бундай қимматбаҳо, халқаро аҳамиятга эга бўлган топилмага биринчи марта дуч келинди, — деди кўч археологiasi бўйича йўриқ мутахассис, тарих фанлари доктори, гуруҳ раҳбари Муҳаммаджон Исомидинов. Экспедициянинг яна бир илмий ходими, французлик олим Ф. Грене саклар даврида Кўктепанинг иккинчи сўғд, деб аталган, Александр Македонский истилоси даврида ҳам шунини билан юритилгани ва топилма билан боғлиқ қимматли маълумотларни гапирди берди.

— Бу қабр етти ярим-саккиз метр чуқурликдан топилди, — деди археология институтининг директори, тарих фанлари доктори Т. Ширинов. Топилмага биринчи бўлиб қўл уриш ходимимиз Л. Шигинёвага насиб этди. Маълумки, милоддан аввалги II асрлардан бошлаб, Урта Осиёнинг ўтроқ ҳолда деҳқончилик билан тирикчилик қилинадиган худудларига шарқдан юзчи қабилалари кўчиб келишган ва кейинроқ Қушонлар салтанатига асос солишган. Улар чодирларда яшаб, марҳумларни йирик мазор-қўрғонларга дафн этишган. Кўктепадан топилган мазор-қўрғон худди шулардан бири ҳисобланади. Бу ерда топилган жасад аслзода аёл, қабил маликаси бўлгани кўриниб турибди. Аёл қимматбаҳо

бўлиб, у қимматбаҳо матодан тўқилган ва биллур шиша мунчоқлар билан безатилган. Муҳим топилмалардан яна бири, қумушдан ясалган кўзгу ва косадир. Кўзгу билан косага туширилган қимматбаҳо безаклар мазкур буюмлар хитойлик устасунардан томонидан ясалганидан далolat беради. Кўзгунинг ёғочдан ишланган дастасига иккита отчанин тасвири туширилган. Қабрга бронзадан ясалган икки қулоқли қозон ва сополдан ясалган катта-кичик тўртта идиш ҳам қўйилган. Шулардан бири беш-олти метрлик сувири бўлиб, нафислиги билан киши диққатини ўзига тортади. Бу сувдон от-уловда олиб юришга

«Туркистон-пресс». Айна пайтда малика суяклари ва унинг қабридан топилган барча ашёлар археология институтига келтирилиб, тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

Пойтахтимиз Тошкент жамоли кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Замоनावий айна пайтда шарқона меъморчилик услубида қурилган осмон ўпар бинолар, бир-биридан гўзал хиббонлар, равон йўллар халқимизнинг бунёдкорлик қудратидан сўзлайди.

И.ХАСАНОВ олган сурат.



Касаба уюшма спорти

МЕЗБОНЛАР ҚЎЛИ БАЛАНД

Янгийўл шаҳри ўйингоҳи мажмуида Тошкент вилояти давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимларининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча тармоқ ташкилот ва муассасалари жамоалари спортнинг қатор турлари бўйича беллашдилар. Шунингдек, оилавий мусобақалар ва арқон тортиш баҳслари ҳам ўтказилди. «Соғлом авлод йили»да тармоқ ходимлари ўртасида бу каби вилоят миқёсидаги мусобақани ўтказиш катта аҳамиятга эга, — дейди Охангарон туман ва шаҳар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Фароғат Булганбоева. Айниқса, отаналар билан биргаликда фарзанд-

ларимизнинг ҳам иштирок этиши спартакиадага янада файз бахш этди. Беллашувлар мезбонлар устунлигида кечди. Улар шахмат, мини футбол, арқон тортиш ҳамда оилавий мусобақаларда голибликни қўлга киритдилар. Шашка ва стол тенниси баҳсларида бекободлик ва охангаронликларнинг қўли баланд келди. Умумжамоа ҳисобида Янгийўл шаҳри вакиллари биринчи, Чирчиқ шаҳри жамоаси иккинчи ва охангаронликлар учинчи ўринларни эгаллашди. Голибларга вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг махсус соврин ва қимматбаҳо совгалари топширилди.

МИНИ ФУТБОЛ ИХЛОСМАНДЛАРИ

Мамлакатимизнинг турли бурчакларида «Соғлом авлод йили» га бағишланган мусобақалар, спартакиадалар, турнирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тadbирлардан бири Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгар» мажмуида бўлиб ўтди. Пойтахт вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё санoати ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказилган ушбу спартакиадада вилоят тармоқ корхоналарининг 400 нафардан ортқ

ҳаваскор-спортчилари қатнашдилар. Энг оммавий спорт тури — мини футбол учрашувларида «Электромёсанот» ишлаб чиқариш бишлашмаси жамоаси аъзолари ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, биринчи ўринни эгаллашди. Кейинги ўринлар «2-уйсозлаш» ҳамда Ангрен кўмир кони корхоналари вакилларига насиб этди. Эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида ўтказилган волейбол мусобақаларида «Ўзбекнефтегазмаш» ОТАЖ кор-

ИҚТИДОРЛИЛАР БАҲСИ

Яқинда Тошкент вилояти мактабларининг 7-8 синф ўқувчилари ўртасида ёш санитарлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Саломатликнинг ёш дўстлари» шиори остида ўтган ушбу танловда беморларга биринчи ёрдам ва доривор ўсимликларни танлаш, малҳамлар тайёрлаш, захарланган одамга биринчи ёрдам бериш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш каби мавзуларда ёшлар ўзаро беллашдилар. Танловда Чирчиқ шаҳар ўқувчилари биринчи ўринни, Охангарон туман ёшлари иккинчи ўринни эгаллашди. Голиб жамоалар қимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар. Шухрат МАМАТОВ.

Турфа олам

БАЛИҚЛАР ҚАНДАЙ ҲАЁТ КЕЧИРИШАДИ?

Тинч океанида Диалама балиги ҳаёт кечиради. Унинг бошқа балиқлардан фарқи жуда кўп. Масалан, Диаламанинг кўзида жойлашган иккита чизик бор. Бу балиқча сув остида ҳам, сув устида ҳам кўришга имконият яратди. Хавф-хатар тугилса тош орасида туриб олиб, ўзининг рангини ўзгарта олиш қобилиятига эга.

Амазонка дарёсида эса ўта юпка, пўстлоққа ўхшаш Симфизадон балиги яшайди. У ўзгалардан очик ранглиги билан ажралиб туради.

Ҳиндустоннинг тўғонида ҳаёт кечирувчи Макропод деб номланувчи гаройиб балиқ аквариумчиларга жуда яхши таниш. 1869 йили Европада шундай балиқларни француз аскарлари олиб келган экан. Энг қизиги, макропод сув остида қанчалик қилиб ҳаводан уй солиш қобилиятига эга.

КўРШАПАЛАКЛАР АЧЧИГИ

Кўршапалаклар жуда айёр бўлади. Улар қонини сўрадиган жонивор топса бирдан ҳужумга ўтмайди. Олдин ўлжасининг қаерига

ёпишиш кераклигини аниқлаб, шундан сўнг оғритмасдан, жониворга сездирмасдан терисига ёпишиб олади. Баъзи бир кўршапалаклар ҳафталаб сигирларнинг ёнидан кетмайди. Уни обдон ўзига ўргатиб олади-да, кейин кунига келиб «овқатланиб» кетаверади. Кўршапалакларнинг оиласи 15-20 тадан иборат бўлади. Улар ўта тотув ҳамда биридан ёрдами ямайдиган қушлардир. Агар бир кўршапалак очликдан ётиб қолган бўлса, иккинчиси 3-4 грамм кун бериб, уни қўтқаради. Бу бир кўршапалакка бир-икки соатга етadиган овқат ҳисобланади.

Тропик Америкада уй ҳайвонлари келтирилмаган вақтда кўршапалаклар одамларга ҳужум қилишган. Натияжада одамлар хатарли касал билан оғриганлар. Бу касаллик одамларнинг қон йўқотиши туфайли бўлиб, кўршапалак тишлаган ернинг асорати ҳамда турли инфекцияли касалликларнинг юқиши сабабидандир.

Ўтган асрда Америкадаги фермаларнинг бирида қайғули воқеа юз берди. Бузоқлар кўр туғулавергандан сўнг, ферма хизматчилари кечаси навбатчилик қилиб, кўршапалакларни ферма атрофига яқинлаштирмаганлар. Аччиқланган кўршапалаклар кечаси билан итларнинг қонини сўриб, юқумли касалликлар тарқатишган.

Кидирбой Тўлабоев тայёрлаган.

Жиззахда футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўн тўрт жамоа бир ҳафта давомида ўзаро беллашди.

ЖИЗЗАХЛИКЛАР - ЧЕМПИОН

Кескин кураш остида ўтган беллашув якунига кўра вилоят шарафини ҳимоя қилган Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар футбол мактаби футболчилари барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, республика чемпиони бўлди. Бухоролик спортчилар иккинчи, Тошкент шаҳри ёш футболчилари учинчи ўринни эгаллади.


Тож талабгорлари

ТАРРАШ


Бреславлнинг марказий кўчаларидан бирида жойлашган Фишер ва Бушларнинг қандолатхонасида оқшомлари шахмат жанглири қизирди. Бу кўхна қандолатхонада қанақанги шахматчилар бўлмаганди. Бу ерда Гарвиц билан Шоттлендер тез-тез бўлиб турар, кейин Андерсен, Цукерторт ташриф буюрадиган бўлгандилар. Ўтган асрнинг 70 йиллари охирида қандолатхонанинг кунда-шундалари орасида ёшига нисбатан жиддийроқ бир йигитча пайдо бўлиб қолди. Унинг шахмат сир-асрорларини қанчалик тиришқоқлик ва кўнгил билан ўрганиб бориши барчанга ҳайратга соларди.

Бу кейинчалик жаҳоннинг энг кучли шахматчиларидан бири ҳамда жаҳон биринчилигига талабгор бўлиб ётишган Зигберт Тарраш эди. Агар Таррашнинг шахматчи сифатидаги асосий фазилатини кўрсатиш керак бўлса, бу эҳтимол, бутун ҳаёти давомида уни тарқ етмаган тадқиқотчилик руҳи бўлса ажаб эмас. У шахмат билан бу ўйин ҳақида китоблар ёзишга нисбатан назарияси мавжудлигини билгандан кейингина чинакамига шуғулланди. Назария бор экан, демак, қонунлар ҳам бўлиши керак. Олдинги у шахмат тасвирини ёнида тадқиқотчи бўлди, холос ва шу туфайли улкан спорт натижалари

воқеалар жараёнидаги асосий сабабини излайман. Кўпроқ алоҳида ҳолатларни умумлаштириб, қатор-қатор тартиб ва қоидалар яратаманки, уларни билиш ўйинни дадил давом эттириш учун фавақулда муҳим аҳамият касб этади». Тарраш «янги услуб» тадқиқотчиси, тарғиботчиси бўлиб қолгунга қадар ҳамма нарса жойида давом этиб борди. Бироқ бу гоёллар ўзгармас, универсал шахматда юз берувчи ҳамма ҳолатларда яроқли деб эълон қилиниши биланқоз ў таназзулга юз тутди. Шахматни тўғри келса-келмаси ҳаммасини бир андозага солса бўладиган нарсалар қаторига киритишга интилиш барбод бўлди. Лекин Тарраш замондошларининг ҳаммаси ҳам чунончи, биринчи навбатда Чигорин, немис шахматчисининг улкан тадқиқотчилик



Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.



МАРОҚЛИ МАШҚЛАР (Давоми бор)

Мамажон МУХИТДИНОВ.

фаолиятини, унинг ўткир кузатишларию умумлашмаларини муносиб равишда тақдирласалар-да, «янги услуб» сардорининг осмонга чиқариб қўйилган, қоидалар даражасига кўтарилган постулатларига рози эмас эдилар. Ҳар қандай қоидаларни қўлланиши, деган эди Чигорин, шахмат тахтасидаги конкрет ҳолат-шароит билан боғлиқ бўлмоғи лозим. Бир қатор қоидаларнинг доғмадан иборатлигини исботлаш учун буюк рус шахматчиси 1893 йилда Тарраш билан ўйнаган ва дуранг (+9-9=4) билан якунланган матч пайтида баъзан жўртга мухалифининг қоидаларини бузиб турган эди.

Албатта ўзини қийнашга тоби йўқ шахматчилар учун Таррашнинг ушбу мутлоқ ҳақиқатлари: шундай бообўр шахснинг тайёр тавсиялари турганда ўзи излаб нима қилади? — деган фикрга олиб келарди-да... Тарраш шахмат воқеаларига бой ҳаёт кечирди. У 1862 йилнинг 5 мартида Бреславлда туғилди. 4 ёшида ўқиш ва ёзишни ўрганди. Шахмат билан гимназияда танишди. Лекин билан 16 ёшидагина астойдил шуғуллана бошлади ва тез орада шаҳарнинг энг кучли шахматчиларидан бири деган ном қозонди.

Нафс бандалари

ХУФЁНА ЦЕХ

Бугун нима кўп — ўзини тadbиркор, ишбилармон деб атайдиганлар. Бозорлар фабрикаси-ю заводи, истеъмол мuddати, сифат даражаси номаълум озик-овқатларга сероб. Аҳоли эса ҳарна арзон-да, деб бозорга юғради. Чаққонларнинг эса оғзи қулоғида, моли мўмай даромад келтираётганлигидан хурсанд.

Шаҳрисабз шаҳридаги Исобек кўчаси 79-уйда яшовчи Баҳодир Юсупов белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан ўз уйида қўлбола ёғ цехи очиб олди. Ана даромад-у, мана даромад. «Семизликни қўй кўтарайди» деганларидек, тезда бурни кўтариб, босар-тусарини билмай қолди. Бундан хабар тогган туман солиқ инспекцияси ходимлари унинг хонадонига ташриф буюриб, тегишли ҳужжатларни талаб қилдилар. Ҳозиргача ҳеч ким унинг «мушугини пишт демаган-ди.» Шу сабабдан бўлса керак, солиқчиларга дағдаға қилиб, улардан бирига тан жароҳати ҳам етказди.

Шаҳардаги Завқий кўча 3-уйда истиқомат қилувчи Ўктам Ёқубов эса қонун-қоидадан суриштирмай макарон цехи очиб олди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, бундан ҳам солиқчилар хабар топишди ва яширин цех фаолиятини тўхтатишди.

УЧАР ЧЎПОНЛАР

Солиқчилар аслида Қамаш туманидаги «Галлакор» жамоа ширкат ҳўжалиги чўпонларига амалий ёрдам кўрсатмоқчи эдилар. «Гуноҳкорнинг оёғи қалтирайди» деганларидек ўзларининг айбларини, гуноҳларини ўзлари бирма-бир оча бошладилар. Ҳўжалик бош чўпони А.Пардаев отарини кўздан кечирган солиқчилар 347280 сўмлик жамоа мулки ўзлаштирилганлигига дуч келдилар. Бу уларни анча сергақландирди, шубҳаларини оширди. Шундан сўнг Б.Тоғаев бош чўпон бўлган отарга ўтдилар. Бу ерда 664134 сўм камомат аниқланди. Ш.Холмирзаев бош чўпонлик қилаётган отардаги хатолар эса ҳаммасидан ҳам оғир тушди. Отарда 1417918 сўмлик жамоа мулки гумдон қилинган.

Туман прокуратураси бу қонунбузарлар устидан жиноий иш қўзғатди. Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, Қашқадарё вилояти.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зерев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақталди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табак. Умумий аҳли 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашри — матбаа концерни босма хонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 23.30